

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки”
акциядорлик жамияти
Кузатув Кенгаши аъзоси, навбатдан
ташқари умумий йиғилиш раиси

М. Норгитов

2023 йил “16” июн

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва
моделия вазирлиги”
Вазир ўринбосари

Б. Рахимова

2023 йил “20” июль

Р0906-7 сон

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки”
акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:

Р	У	1	0	7	Р	0	9	0	6	Р	0
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 1 183 166 823 000 (бир триллион бир юз саксон уч миллиард бир юз олтмиш олти миллион саккиз юз йигирма уч минг) сўмлик 1 183 166 823 (бир миллиард бир юз саксон уч миллион бир юз олтмиш олти минг саккиз юз йигирма уч) дона оддий акциялар.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши VII (еттинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2023 йил “16” июндаги 20 - сонли Баённомаси билан

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2023 йил “16” июндаги 20 - сонли Баённомаси асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 101-уй

Мулоқот телефонлари: 78 148 00 10, 78 147 71 86

Электрон почта манзили: webmaster@nbu.uz

БОШҚАРУВ РАИСИ

БОШ БУХГАЛТЕР

А. МИРСОАТОВ

Б. РИХСИЕВ

Сана: 2023 й. “23” июн

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): Оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: Хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1000 сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 1 183 166 823 дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 1 183 166 823 000,0 сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улushга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно; олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга асосан ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна йўли билан жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акциялар 2023 йил 12 июн ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядорлар улushларига асосан соф фойдасининг дивидендга йўналтирилган қисми ҳисобидан дивидендлар акция кўринишида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлигига жойлаштирилади.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): 14 418 406 392 000,0 сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 14 418 406 392 дона.

Шундан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 14 418 406 392 дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I-чиқарилуви 2010 йил 6 январ куни P0844-1-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 35 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 35 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг II-чиқарилуви 2010 йил 8 январ куни P0844-2-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 35 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 35 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг III-чиқарилуви 2010 йил 12 январ куни P0844-3-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда оддий фоизли субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 30 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 30 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг IV-чиқарилуви 2010 йил 12 ноябрь куни P0844-4-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда, оддий фоизли субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 35 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 35 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг V-чиқарилуви 2012 йил 5 ноябрь куни P0844-5-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда, эгасининг номи ёзилган, оддий фоизли субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 35 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 35 000 000 000 сўм.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали 2023 йил 12 июн ҳолатига шакллантирилган реестрдаги акциядорлар улушларига асосан, яъни қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 701 342 581 дона;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига 481 824 242 дона.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

“Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги сўнгги акцияни жойлаштириш санаси бўлиб ҳисобланади, лекин ушбу сана “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги қўшимча акциялар уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан – тўғри фуқаролик – ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Марказий рўйхатга олувчи тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ фирма номи - “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонаси.

Почта манзили: 100047, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

Телефон: (998 71) 267-37-42, (998 71) 267-35-92.

WEB: www.deponent.uz, E-mail: info@deponent.uz.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (бир минг) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2022 йил II – ярим йиллик бўйича соф фойдасининг дивидендга йўналтирилган қисми ҳисобидан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби:

Мазкур “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” рўйхатга олингандан

кейин Қарорнинг қонунчиликда белгилаб ўтилган бандлари ўрнатилган тартибда:

- Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) веб-сайтига;
- Банкнинг (www.nbu.uz) веб-сайтига жойлаштириш орқали ошқор қилинади.

“Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор”нинг асл нусхаси (жумладан электрон нусхаси) билан қуйидаги манзилларда танишиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 101-уй;

13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.

Тикитган, рақамланган ва муҳриланган 5 varaқада
Пронумеровано, пронумеровано и скреплено печатью
на 5 листах



[Handwritten signature]